

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил махсус сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Раҳматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдурахмонов.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: –ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятгов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ў.Асқарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррир: *Н.Юсунов*

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида халқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 27.10.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб,

илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (**Баённома № 13**). Мақомларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



41	Аҳмад Донишнинг давлатчилик ва ташқи сиёсатга оид қарашлари Хусниддин Ч.Р.	188
42	Пискент шаҳридаги Хазрати Бузрук меъморий иншооти ҳақида Кубаев С.	194

09.00.00

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

43	Ахборот маданияти глобаллашувида миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришнинг долзарб масалалари Кодиров Н.М.	201
44	Концептуальный анализ подхода к музыке в исламе Исакова З.Р.	205
45	Конституция– халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси. Рустамова. Г.	212
46	Тарбияга ижтимоий ёндошув Мирзахмедов А.М., Элмиров К.О.	216
47	Навоий онтологик фалсафасида замон категорияси талқини Норов Т.О.	221
48	Тасаввуфий мерос ва инсон фалсафаси Намозов Б.Б.	228
49	Ислом дини – халқ билан мулоқотнинг маънавий асоси Хуршид У.С.	235

10.00.00

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

50	Эркин Воҳидов ва адабий алоқалар Сулаймонов. М., Роҳаталиев А.	242
51	Основное различие в подходах двух школ в нейролингвистики Мухайё М.Д.	245
52	Madaniy nutqdagi lisoniy biklarda shakl va mazmun o'rtasidagi munosabat Babaxanova D.A.	252
53	Sharlotte Brontening "Jeyn Eyr" asarida obrazlilik masalasi Abdullayeva N.	256
54	Jozef Archibal Kronin asarlarida avtobiografik elementlarning ko'plab qo'llanishi Mirsadullayev M.M.	259
55	"Шоҳнома" асарининг илк инглиз тадқиқотчилари Ҳақима Т.У.	265
56	Navoiyning ilmiy va nasriy-badiiy asarlarida Husayniy siymosi G'oyibboyeva R., Sanobar A.	270



“ШОҲНОМА” АСАРИНИНГ ИЛК ИНГЛИЗ ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ

Ҳакима Тўрабоева Усмонжон қизи
Наманган Давлат Университети, ўқитувчиси
Тел: 99 399-50-59, e-mail: hakima93@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақола жаҳон классик адабиётининг энг гўзал намунаси бўлмиш “Шоҳнома” асарининг инглиз шоир ва адиблари томонидан катта қизиқиш билан тадқиқ қилинганлиги, ҳамда кўплаб дostonларнинг таржималари ва уларнинг илмий ахамияти ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинган. Кейинги йилларда адабий-маданий алоқаларни ўрганиш бўйича бирмунча ишлар қилинди. Бундай ишлар форс, инглиз ва ўзбек тилларини турли аспектларда қиёсий ўрганиш, таржима қилинган асарни таржимашунослик аспектида текшириш, ўзбек адабиётини инглиз тилига таржима қилиниш тарихини ёритиш билан характерланади.

Калит сўзлар: Шоҳнома, “Тазкират-уш-шуаро”, девон, эпик асар, истило, мумтоз адабиёт, туркий халқлар, адабий таъсир, адекват таржима, форс мамлакатлари, адабий мерос

ПЕРВЫЕ АНГЛИЙСКИЕ ИССЛЕДОВАТЕЛИ «ШАХНАМЕ»

Ҳакима Тўрабоева Усмонжон қизи
Учитель, Наманганский Государственный Университет
Тел.: 99 399-50-59, электронная почта: hakima93@mail.ru

Аннотация: В статье с большим интересом рассказывается об изучении английскими поэтами и писателями произведения «Шохнома», прекраснейшего образца мировой классической литературы, а также о переводах многих эпосов и их научном значении. Для таких произведений характерно сравнительное изучение персидского, английского и узбекского языков в различных аспектах, экспертиза переведенного произведения с переводческой точки зрения, освещение истории перевода узбекской литературы на английский язык.

Ключевые слова: Шахнаме, «Тазкират-уш-шуаро», девон, эпическое произведение, вторжение, классическая литература, тюркские народы, литературное влияние, адекватный перевод, персидские страны, литературное наследие.

THE FIRST ENGLISH RESEARCHERS OF "SHAHNAME"

Khakima Turaboeva Usmonjon kizi
Namangan State University
Tel.: 99 399-50-59, e-mail: hakima93@mail.ru

Abstract: This article discusses with great interest the work of the English poet and writers "Shohnoma", the most beautiful example of world classical literature, as well as the translations of many epics and comments on their scientific significance. Such works are characterized by comparative study of Persian, English and Uzbek languages in various aspects, examination of the translated work from the translational point of view, coverage of the history of translation of Uzbek literature into English.

Keywords: Shahnameh, "Tazkirat-ush-shuaro", devon, epic work, conquest, classical literature, Turkic peoples, literary influence, adequate translation, Persian countries, literary heritage.



Жаҳон адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири бўлган гениал шоир ва мутафаккир Фирдавсий авлодлар қалбидан абадий жой олган мўътабар ижодкордир. Фирдавсий томонидан ёзилган “Шоҳнома” нафақат форс-тожик халқларининг миллий адабий ёдгорлиги, балки бутун Европа, шу жумладан, инглиззабон адабиёт аҳлини ҳам гўзал жозибаси билан ўзига мафтун қилган адабий асардир.

Тахминан 50 000 дан ортиқ байтдан иборат, “Шоҳнома” ягона шоир томонидан ёзилган дунёдаги энг улкан асардир. (Асарнинг дастлабки 1000 байти бухоролик шоир Дақиқий томонидан ёзилганлиги, шоирнинг вафогидан сўнг бу вазифани давом эттириш Фирдавсийга ишониб топширилганлиги кўпчиликка маълум) Унда Форс подшоҳларининг VII асрда араблар томонидан Эронни босиб олгунгача бўлган даврдаги тарихи ҳикоя қилади. “Шоҳнома” форс мамлакатини бошқарган 50 та ҳукмдор (шу жумадан учта аёл) фаолиятининг ифодасидир.

“Шоҳнома” араб, арман, инглиз, дат, француз, немис, япон, итальян, лотин, поляк, румин, рус, ўзбек, қозоқ, турк, украин ва урду каби 30 дан ортиқ тилларга таржима қилинган. Ушбу таржималарнинг баъзилари танланган эпизодлар, аксарияти тўлиқ китобдан иборат. Кўплаб тилларда китобнинг бир неча таржималари мавжуд.

Фирдавсийнинг номи Ҳофиз ва Саъдий каби машҳур шоирлар билан бирга Ғарбда XVII аср ўрталарида саёҳатчиларнинг хабарлари билан тарқалган. Шу ўринда инглиз олимлари, шоир ва адиблари ҳам шоир ижодига катта қизиқиш билан қараганлари ва “Шоҳнома”ни сўз санъатининг юксак чўққиси сифатида юқори баҳолаганларини алоҳида таъкидлаш керак. Фирдавсий номи биринчи марта инглиз сайёҳи Жон Фрейернинг 1698 йил Форс ўлкасига қилган саёҳатлари тўғрисидаги хотираларида эслатиб ўтилган. У ерда “Шоҳнома”ни форс қаҳрамонларининг ришарлик романи, деб таъриф берилган. [1,19].

Фирдавсийнинг улкан адабий меросини Европада хусусан Англияда кўплаб машҳур олимлар томонидан изчил ўрганилган ва инглиз тилига таржима қилинган. Ана шундай тадқиқот ва таржималар билан яқиндн танишиб, уларнинг хусусиятлари ва инглиз адабиётида тутган ўрнини ёритиб бериш. Ушбу адабий меросни ўрганишда ва зифаларни адабий жараёнлар, тамойиллар, асар поэтикаси, жанрлар тизими каби масалалар тадқиқи билан боғлаш.

Фирдавсийнинг Европадаги биринчи тарғиботчиси француз олими Де Бертимелди Эрбело бўлиб, у ўзининг “Шарқ кутубхонаси” асарида “Шоҳнома” муаллифини алоҳида эслатиб ўтган. Олим “Шоҳнома” қаҳрамонлари асосида Эроннинг қадимги подшоҳлари сулоласи насабномасини тузган. Унинг маълумотлари XVIII асрнинг охирига қадар европаликлар учун Фирдавсийнинг портрети билан танишиш учун ягона манба бўлиб келди. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари биринчи марта Ғарб китобхоналарига машҳур шарқшунос (1746-1794) Уильям Жонс томонидан кенгрок таништирилган [2,93] Бу олим нафақат Фирдавсийнинг Англиядаги дастлабки тадқиқотчиси, балки “Шоҳнома” парчаларининг инглиз тилига биринчи таржимони ҳам бўлган.

Инглизларнинг форс шеърятига ва ҳикояларига қизиқишининг юқорилиги Уильям Жонсни ўз соҳаси бўлган ҳуқуқшуносликдан воз кечиб, Шарқнинг бебаҳо хазиналарига мурожаат қилишга ундади. Унинг тилга, айнан, форс адабиётига бўлган муҳаббати кундан кунга ошиб борарди. Олим шарқ адабиётининг гўзаллиги ва мафтункорлиги тўғрисида шундай гапирди: «Шарқ шеърятини энг бой ва ибратли ифода тилидир; у ҳаётни акс эттирувчи сув ва олов каби ранг барангдир ». [2,101]



У.Жонс биринчилардан бўлиб, форс ва ҳинд-европа тиллари оиласи ўртасидаги ўхшашликни сезди. Олим "Шоҳнома"ни бир қатор шеърӣй ҳикоялар китоби сифатида таништирди. Дастлаб 1772 йилда лотин тилида нашр этилган. Уильям Жонс "Шоҳнома"ни инглиз тилига таржима қилар экан, черковининг кўрсатмасига биноан Фирдавсийни "Авлиё Фирдавсиорум" деб атаган. Олим тилшуносликка ва форс адабиётига оид илмий изланишлари орқали ўз даври ҳамда келажак олимларга ўрнак бўлди.

У.Жонс асарларида Фирдавсийни Форсинг Ҳомери деб атаган. Яъни 1772 йил нашр этилган "Шарқ халқлари шеърӣяти" асарида Ҳомер билан Фирдавсийни бир мақомда тасвирлайди. Ҳар иккала шоир ҳам моҳир сўз санъаткори эканлиги таъкидланган.

1814 йилда яна бир инглиз олими Жеймс Аткинсон "Рустам ва Сухроб" достонини ўрганиб, Фирдавсий ихлосмандлари орасида танилди [3,267]. Олим 1829 йилда Ҳиндистонга саёҳат қилди ва "Шоҳнома" таржимасини ҳам шеърӣй, ҳам насрий шаклда ўқувчиларга тақдим этди. Аткинсон инглиз ўқувчиларига буюк "Шоҳнома" муаллифининг ҳаёти тўғрисида батафсил маълумот берди. Олим Фирдавсийнинг даври, таржимаи ҳоли ва адабий мероси тўғрисида қизиқарли маълумотлар берган. Аткинсон китобхонларга энди улар "Шарқ Илиадаси" билан танишиб чиқишлари ҳақида элатиб ўтган.

Кўплаб олимлар Фирдавсий асарининг тили ҳақида мулоҳаза юритиб, унинг ифода услуби, безаклари форс тилининг янада ривожланишига ҳисса қўшганлигини таъкидладилар. [4,17] Аткинсон назарида "бу форс адабиётдаги энг бебаҳо ва такрорланмас асар", деган хулосага келади. [5,608] Ва бу ўринда олим янглишмади, ўтмиш ва тарих силсиласида "Шоҳнома" энг буюк асар бўлиб қолди.

"Шоҳнома" даги гўзал тасвирилар "Илиада"да ҳам, "Одиссея" да ҳам учрамайди. Асарда қўл жанги тасвирида марказий қаҳрамон Рустам ҳисобланади. У Зол даврида тутилган. Рустам аслида форс адабиётининг Ҳераклидир. Иккала қаҳрамон: Рустам ва Ҳеракл мард, жасур, қўрқмас ва кучли паҳлавон сифатида тасвирланган. Шунинг учун уларнинг ўхшаш хусусиятлари жуда кўп.[6,21] Агар бу икки қаҳрамоннинг муштарак хусусиятларини таҳлил қилсақ, Рустамнинг қаҳрамонликлари еттига, Ҳераклники эса ўн иккигадир. Тажрибали шарқшунос Аткинсон фақат "Шоҳнома"ни юқорида зикр этилган қисми таржимаси билан тўхтаб қолмади, у 1829- йили афсонавий ҳинд диёрига денгиз сафарига чиқади ва келиб "Шоҳнома"ни биринчилардан бўлиб ҳам наср ва назм кўринишда қайта китобхонларга туҳфа этади ва нашр қилдиради. Аткинсоннинг "Сухроб эртаги" шеърӣй таржимасига тўхталамиз. Таржимон иложи борича асл маъно-мазмунни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Бу Фирдавсийнинг "Саманган подшоҳининг қизи Таҳминанинг Рустамга келиши" бобидаги сатрлари:

Чу як баҳрае аз тирашаб даргузашт,
Шабохонг бар чархи гардун бигашт.
Сухан гуфтан омад нухуфта ба роз,
Дари хобгоҳ нарм гардонд боз.
Яке банда шамъи муанбар ба даст,
Хиромон биёмад ба болин мает.
Паси нарда андар яке моҳрӯй,
Чу хуршеди тобон пур аз рангу бӯй.



Аткинсон таржимасидаги ушбу парча қуйидаги шакл ва мазмунга эга:
One watch had passed, and still sweet slumber shed
power around the hero's head—
Its magic

When forth Tahmineh came - a damsel held
An amber taper, which the gloom dispelled,
And near his pillow stood; in beauty bright,
The monarch's daughter struck his wondering sight.
Clear as the moon, in glowing charms arrayed,
Her winning eyes the light of heaven displayed.

[8.]

Сўзма-сўз таржима қуйидагича: Бир соат вақт ўтди ва ширин уйқу давом этди, яширин куч уни қахрамоннинг бошига олиб келди, Таҳмина аста эшикни очганда, У қахрамон маст ҳолда ухлаётган жойга борди Ва у каравотининг ёнида турди; чиройли нурда Шохнинг қизи нигоҳини унинг юзига қаратди. Соф, тўлини ой каби нигоҳ, Унинг голиб кўзлари илоҳий нур билан порларди (Ҳакима Тўрабоева)

Асл матнни, унинг инглиз тилидаги таржимаси ва инглиз тилидагини тожик тилидаги таржимаси билан таққослаш шуни кўрсатадики, Аткинсон, ўз навбатида, асл матндан четга чиқишига қарамай, унинг мазмунини ўқувчига етказишга ҳаракат қилган. Аслида бундай таржима сатрма-сатр қайтиш эмас, балки ривоятдир. Шунга қарамай, ўқувчи форс тилининг нозик томонларини тушунади ва "Шоҳнома" қиссаларининг шеърый тафсилотларини ҳис қила олади. Фирдавсий она тили форсий билан бирга араб тилини яхши биларди. Бундан ташқари, шоир зардуштийларнинг эътиқодини яхши билган. У ёшлигидан қадимий ҳикоялар ва афсоналарни тинглашга қизиққани таъкидлади.

Йигирманчи аср бошида Абулқосим Фирдавсийнинг ҳаёти ва фаолиятини яна бир инглиз олими Эдуард Браун кенг ўрганади. У Кембриж университетига тиб илмини ўрганган, 1887 йили докторлик даражасини олган. Лекин, умуман, табобат илми билан шуғулланмаган. Шу йили у Эронга сафар қилади ва қадимий шаҳарлар Язд, Кирмон ва Техронда яшайди. Бу даврда шарқ халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, адабиёти ва шеърятини ўрганади. Сафари давомида Шарқнинг завқли тарихи ва шонли ўтмиши унинг қалбини мафтун этади. Олим қолган умри давомида Шарқни ўрганишни мақсад қилади. Ўттиз йиллик меҳнату изланишлар, тадқиқотлар натижасида "Эрон адабиёти тарихи" вужудга келди. У тўртта катта жилдан иборат бўлиб, биринчи жилди "Қадим замонлардан то Фирдавсийгача" (1902), иккинчи жилди "Фирдавсийдан Саъдийгача" (1906), учинчи жилди "Татар ва мўғулларни асри" (1920), тўртинчи жилди "Жадид даври" номи билан чоп этилди. Ушбу китоблар Шарқ адабиётини ўрганувчилар учун нодир манбаадир. Эдуард Браун, Ж. Аткинсоннинг таржима қилган ривоятларини пухта таҳлил қилиб, унга янги шакл ва ранг бериб, бойигади ва янада мукамалроқ қилади. Эдуард Брауннинг тадқиқини яна бир фарқли жиҳати, у шоир шахсини яқиндан аниқлаш, туғилган ва вафот этган саналарини аниқ белгилаш учун тарихий маълумот ва тазкираларни қиёсий тарзда ўрганишидадир.

Жаҳон адабиётининг бетакрор намунаси бўлган мазкур асар нафақат Шарқ, балки Ғарб мамлакатларида ҳам китобсеварларнинг сеvimли китоби, маънавий мулкига айланиб улгурган. "Шоҳнома" таркибидаги дostonлар асосида мусиқа, драма, кино,



тасвирий санъат дурдоналари юзага келди. Достонларни деярли барча миллатларда топиш мумкин, аммо "Шоҳнома"нинг донғи бутун дунёга таралди. Дарҳақиқат устоз, фирдавсийшунос олим Ҳамиджон Ҳомидов таъбирлари билан айтганда: "дунё адабиётининг буюк сиймоси Абулқосим Фирдавсийнинг юксак шеърӣ қасри, жаҳон эпосининг гултожиси бўлмиш "Шоҳнома" минг йилдан бери авлоддан-авлодга ўтиб, барҳаёт яшаб келмоқда...".[6,38]

Фирдавсий инсон табиатидаги жасорат, муҳаббат ва донолик каби ижобий фазилатлардан ҳикоя қилади. Бутунги кунда Шарқ мумтоз адабиётининг нодир намунаси бўлган "Шоҳнома"нинг бардавом анъаналарини, умумбашарӣ ғояларининг аҳамиятини атрофлича таҳлил қилиш, бадиий жиҳатларини кенг қамровли тадқиқ этиш инглиз шоҳномашунослиги генезисини ҳам илмий-назарӣ жиҳатдан текширишимизда қўл келади.

Хулоса қилиб айтганимизда, инглиз шарқшунослари сифатида ном қозонган олимлар: Жон Фрейер, Д. Эрбело, Уильям Жонс, Жеймс Аткинсон, Эдуард Браун машҳур форс шоири Фирдавсий ва унинг "Шоҳнома" асарини Европа, аниқроқ айтганда, инглиззабон халқларга таништириш соҳасида дастлабки тадқиқот ҳамда таржималарни амалга оширганлар. Улар томонидан нашр этилган мақола ва китоблар янги-янги илмий ишларнинг ёзилишига қимматли манбаа бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гейзер, А. Европада Фирдавсий ҳақидаги биринчи биографик маълумотлар. // - Душанбе: 1994. 19-бет .
2. Cannon, Garland. Oriental Jones. A biography of Sir William Jones. - New York: 1746-1794. 93-101pages.
3. James, Atkinson "Sohrab, a poem, freely translated from the original Persian of Ferdoosee". Calcutta, P.Pereira, 1814, 267 pp.
4. Анварӣ, Сулаймон. Вожаҳои низомӣ дар "Шоҳнома". - Душанбе: Маориф, 1994. Анварӣ, Сулаймон. "Шоҳнома"даги ҳарбий сўзлар. - Душанбе: Маориф, 1994.17 - саҳифа.
5. Atkinson James, "The Shah-Nameh of the Persian poet Ferdoosee". (Translated and abridged in prose from Tavakkul Beg's abridgement with notes and illustrations. Oriental Translation Fund of Great Britain and Ireland). London: 1832, 608 pp.
6. Ҳомидов, Ҳ. "Шоҳнома" нинг шухрати. - Тошкент: "Ўзбекистон". 1991.
7. Atkinson James, "The Shah-Nameh of the Persian poet Ferdoosee". (Translated and abridged in prose from Tavakkul Beg's abridgement with notes and illustrations. Oriental Translation Fund of Great Britain and Ireland). London, 1832, 608 pp.
8. Фатхulloҳи Муцгабой. Пешгугфтор. // "Таърихи адабиёт дар Эрон", - Техрон: 1963.21-38бб.

